

1716/4774 – عن ابن مسعود رضي الله عنه، وقد بلغه أنَّ رجلاً يُحَدِّث في كندة، فقالَ:
 يَحْيَى دُخَانٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، فَيَأْخُذُ بِأَسْمَاعِ الْمُنَافِقِينَ وَأَبْصَارِهِمْ، يَأْخُذُ الْمُؤْمِنَ كَهِيْتَهُ الرُّكَامِ، كَانَ مُتَكَبِّلًا،
 فَعَصَبَ، فَجَلَسَ فَقَالَ: مَنْ عَلِمَ فَلْيُقُلْ، وَمَنْ لَا يَعْلَمُ فَلْيَقُلْ: اللَّهُ أَعْلَمُ، فَإِنَّ مِنَ الْعِلْمِ أَنْ يَقُولَ لِمَا
 لَا تَعْلَمُ: لَا أَعْلَمُ، فَإِنَّ اللَّهَ قَالَ لِنَبِيِّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ (قُلْ مَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ وَمَا أَنَا مِنَ
 الْمُتَكَلِّفِينَ) [ص: 86]، وَإِنَّ قُرْيَشًا أَبْطَلُوا عَنِ الْإِسْلَامِ، فَدَعَا عَلَيْهِمِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
 فَقَالَ: اللَّهُمَّ أَعِنِّي عَلَيْهِمْ بِسَبْعِ كَسْبَعِ يُوسُفَ، فَأَخَدَتُهُمْ سَنَةً حَتَّى هَلَكُوا فِيهَا، وَأَكَلُوا الْمَيْتَةَ
 وَالْعِظَامَ، وَيَرِى الرَّجُلُ مَا بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ كَهِيْتَهُ الدُّخَانِ، فَجَاءَهُ أَبُو سُفِيَّانَ فَقَالَ: يَا مُحَمَّدُ،
 حِنْتَ تَأْمُرُنَا بِصِلَةِ الرَّحِيمِ، وَإِنَّ قَوْمَكَ قَدْ هَلَكُوا فَادْعُ اللَّهَ. فَقَرَأَ: (فَارْتَقِبْ يَوْمَ تَأْتِي السَّمَاءُ بِدُخَانٍ
 مُّبِينٍ) إِلَى قَوْلِهِ (عَائِدُونَ) [الدخان: 10-15]، أَفَيُّكِشْفُ عَنْهُمْ عَذَابُ الْآخِرَةِ إِذَا جَاءَ، ثُمَّ عَادُوا
 إِلَى كُفْرِهِمْ، فَدَلِيلُ قَوْلِهِ تَعَالَى: (يَوْمَ تَبْطِشُ الْبَطْشَةُ الْكُبْرَى) [الدخان: 16]، يَوْمَ بَدْرٍ، وَ(لِزَاماً)
 [الفرقان: 77] يَوْمَ بَدْرٍ، (الْمَ (1) عُلِّيَّتِ الرُّومُ) إِلَى (سَيْغُلْبُونَ) وَالرُّومُ قَدْ مَضَى.

1716.4774 Масруқдан ривоят қилинади:

«Бир киши Киндада* гапира туриб: «Қиёмат куни бир тутун келиб, мунофиқларнинг кўзу қулоқларини тутади. Мўминни эса тумов кўринишида тутади», деди. Биз даҳшатга тушиб кетдик.

Ибн Масъуднинг ҳузурига келдим (бўлган гапни айтдим). Суяниб ўтирган экан, ғазабланиб, ўтириб олди ва: «Билган гапирсин, билмаган «Аллоҳ билувчи», десин. Зотан, билмаганини «Билмайман», дейиш ҳам илмдан. Аллоҳ Ўз Набийси соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Мен сизлардан бунинг учун ажр сўрамасман. Мен сохтакорлардан ҳам эмасман», деб айт», деган!* Қурайшликлар Исломга киришда сусткашлик қилгач, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни дуоибад қилиб: «Аллоҳим! Юсуфнинг «еттиси» каби

«еттилик» ила уларга қарши менга ёрдам бер!» дедилар. Уларни қурғоқчилик тутди. Ҳатто бундан ҳалок бўлаёзишди, ўлимтик ва суякларни ейишиди. Киши ер билан осмон ўртасида тутунсимон нарса кўрарди. Абу Суфён келиб: «Эй Мұхаммад! Бизни силаи раҳм қилишга буюриб келдинг. Қавминг ҳалок бўлиб бўлди-ку! Аллоҳга дуо қил», деди. Шунда у зот: «Бас, осмон аниқ тутунни келтирадиган кунни кут. У одамларни ўраб олади. Бу аламли азобдир. «Роббимиз! Биздан азобни арит! Албатта, биз иймон келтирувчи дирмиз». Уларга қаёқдан ҳам эслатма бўлсин?! Ҳолбуки, уларга очиқ-ойдин Расул келган эди. Сўнгра ундан юз ўғирдилар ва: «Бу ўргатилган мажнун», дедилар. Албатта, Биз азобни бирозга аритамиз. Албатта, сизлар қайтувчисизлар» ни ўқидилар.

Охират азоби келганда у улардан аритилиб, кейин улар қуфрларига қайтишар эканми?!* У Зот таолонинг Бадр кунидаги «Катта чангллаш ила чангллаган кунимиз...» деган сўзи мана шу. «Лизом» ҳам Бадр куни бўлди. «Алиф Лаам Мииим. Рум мағлуб бўлди. Яқин ерда. Ва улар мағлубиятларидан кейин тезда ғолиб бўлажаклар». Рум (воқеаси) ҳам ўтиб бўлган».

* Кинда - Ироқдаги бир жойнинг номи. Шунингдек, Яманда Кинда деган қабила ҳам бор. Сўзловчи ўша қабила вакиллари орасида гапирган бўлиши ҳам мумкин.

* «Юсуфнинг еттиси» деганда Юсуф алайҳиссалом даврида юз берган етти йиллик қаҳатчилик тушунилади.

* Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу «Мен соҳтакорлардан эмасман», деб айт» деган оятни ўқиб, билмаган нарсасини «Билмайман», дейиш ўрнига ўзини билағон кўрсатиб, илмсиз равишда гап айтиш соҳтакорлик бўлишига ишора қилган. Бу эса қаттиқ қораланган ишdir.

Изоҳ: Баъзи уламолар Духон сурасида ваъда қилинган «тутун» ва «чангллаш» азобларини кофирларга охират куни воқеъ бўладиган азоб деб изоҳлашган. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу эса: «Буларнинг шу дунёда содир бўлиши ваъда қилинган ва улар бўлиб ўтган азоблардир», деган. У киши бу гапга оятнинг ўзида далил борлигига ишора қилиб, «Аллоҳ таоло кейинги оятда бу азобнинг аритилишини ва кофирлар яна ортга қайтишини айтган. Агар бу азоблар қиёмат кунида бўлади, дейилса, унда қиёматда кофирлардан азоб аритилиши ва улар яна қуфрга қайтишлари керак бўлиб қолади. Бу эса мантиқан ҳам тўғри келмайди», демоқчи. Яна 4767-ҳадиснинг изоҳига қаранг.



NUBUVVAT MARVARIDLARI